

Бақара сураси, 170-оят

08:20 / 08.01.2018 4415

Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», - дейилса, «Йўқ! Балки биз ота-боболаримизни нимада топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», - дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоятга юрмаган бўлсалар ҳам-а?! Бақара 170.

Шайтоннинг изидан эргашганлар Аллоҳ нозил қилган Қуръонга ва Ислом ҳукмларига эргашишдан бўйин товлаб, ота-боболаридан қолган нарсаларга эргашишни афзал билишади. Бу ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Аллоҳнинг амри турганда, ундан бошқа нарсага ҳам эргашиладими? Қолаверса, ота-боболари ким ўзи? Эҳтимол, ақлсизликлари оқибатида хато йўлларда юрган одамлардир улар? Балки, ҳидоят топмай, залолатда қолган одамлар бўлгандирлар?